ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МУСАШАЙХОВ КАРИМЖОН ХУСАНХАНОВИЧ

ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УДК: 343.35:796.071(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Table of contents of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мусашайхов Каримжон Хусанханович
Профессионал спортдаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари..... 5

Мусашайхов Каримжон Хусанханович
Организационно-правовые вопросы выявления коррупционных факторов в профессиональном спорте и их устранения..... 27

Musashaykhov Karimjon Khusankhanovich
Organizational and legal issues of identifying corruption factors in professional sports and their elimination……..……..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published scientific works…….....…..….....54

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

МУСАШАЙХОВ КАРИМЖОН ХУСАНХАНОВИЧ

ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Yu1690 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сафаров Темур Уктамович** юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Расмий оппонентлар:	**Фазилов Фарход Маратович** юридик фанлар доктори (DSc), доцент
	Расулова Гулбаҳор Абиджановна юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 24 ноябрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (103-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96)

Диссертация автореферати 2026 йил 11 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 11 ноябрдаги 22-рақамли реестр баённомаси).

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ғ.М.Шодиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент

КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобал спорт иқтисодиётининг йиллик ҳажми 2026 йил январда эълон қилинган Жаҳон иқтисодий форумининг ҳисоботига кўра 2,3 триллион долларни ташкил этмоқда[1], бу ўз навбатида давлат назорати суст бўлган спорт соҳасида коррупцияга мойил шахсларнинг ҳалол рақобатга асосланган ўйинларда ўз манфаатларини устун қўйиш ҳолатларига олиб келмоқда. Хусусан, 2023 йилдаги БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили спортга ноқонуний пул тикиш, келишилган ўйинлар ва уюшган жиноятчилик орқали спорт оламига 1,7 триллион доллар зарар етказилади[2]. Бу эса профессионал спортда коррупциявий омиллар юқорилигича сақланиб қолаётганлигини кўрсатиб, салбий иллатларнинг олдини олиш ва уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда спорт индустрияси глобал иқтисодиётнинг йирик сегментларидан бири ҳисобланганлиги сабабли коррупция хавфларига ҳам сезиларли даражада мойил бўлиб, спорт соҳасида коррупция бир нечта асосий йўналишларда намоён бўлмоқда: 1) мусобақа натижаларини келишиш (match-fixing); 2) ноқонуний букмекерлик бозори; 3) спорт ташкилотларида бошқарув коррупцияси; 4) допинг ва назорат тизимидаги коррупция; 5) спорт инфратузилмаси ва йирик тадбирлар билан боғлиқ коррупция; 6) спортчилар трансфери ва агентлик тизимидаги коррупция[3]. Мазкур ҳолатлар юзасидан тадқиқот ўтказилиши профессионал спортдаги коррупцияга қарши хорижий қонунчилик амалиёти, халқаро стандартлар ва шаффофлик механизмларини самарали интеграция қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида: “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса ислоҳотларимизга хиёнатдир!” – деб таъкидлади[4]. Ўз навбатида, Ўзбекистонда спорт соҳасида коррупция нафақат давлат, балки нодавлат сектор муносабатларида ҳам мавжуд бўлиб, айрим коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик ва профилактика механизмларининг

[1] [Электрон манба] https://www.weforum.org/publications/sports-for-people-and-planet/

[2] [Электрон манба] https://www.occrp.org/en/daily/18321-un-corruption-in-sport-worth-1-7-trillion-annually

[3] Fédération Internationale de Football Association (FIFA). Regulations on Working with Intermediaries [Электрон манба] URL: https://www.fifa.com; INTERPOL — Match-fixing and corruption in sport. https://www.interpol.int/Crimes/Corruption/Match-fixing; United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Global Report on Corruption in Sport [Электрон манба] URL:https://www.unodc.org; Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD). Preventing Corruption in Sport [Электрон манба] URL: https://www.oecd.org/corruption; World Anti-Doping Agency (WADA). Anti-Doping Rule Violations Report [Электрон манба] URL:https://www.wada-ama.org; Transparency International. Global Corruption Report: Sport//https://www.transparency.org.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев: “2026 йил барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлади” . [Электрон манба] // https://president.uz/uz/lists/view/8833

етарли даражада мустаҳкамланмагани давлат бюджети маблағларини тақсимлаш жараёнларида давлат сектори вакилларининг ҳам коррупциявий схемаларга иштирок этишига шароит яратмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2019-2021 йилларда спорт соҳасига ажратилган бюджет маблағларининг сарфланиши ўрганилиши натижасида 464 та спорт муассасасида жами 27 млрд. сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланган[5]. 2022-2025 йиллар ва жорий йилнинг 6 ойи давомида эса мазкур кўрсаткич 35,5 млрд. сўмни ташкил этган[6]. Ўзбекистон Республикасида соҳада коррупцияни олдини олиш ва уни янада ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли бошқарув механизмларини кенг жорий этиш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Таълим тўғрисида”ги (2020), “Педагог мақоми тўғрисида”ги (2024), “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги (2024) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2024), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025), “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2026) Фармонлари, “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2024), “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025) қарорлари, ҳамда соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

[5] [Электрон манба] URL: https://www.gazeta.uz/uz/2022/11/18/sport/

[6] Korrupsiyaga qarshi kurashish tizimining holati haqidagi hisobotlar [Электрон манба] URL: https://gov.uz/oz/sport/sections/view/9345.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спорт соҳаси давлат ва нодавлат секторини ўз ичига олган бўлиб, ушбу соҳадаги коррупциянинг моҳияти, унинг шакллари ва унга қарши курашишга оид самарали механизмлар масалалари миллий олимларимиз томонидан муайян даражада тадқиқ қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга оид илмий-назарий муаммолар Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Қ.Тожибоев, Қ.Р.Абдурасулова, Е.В.Коленко, У.М.Алоев, Б.И.Исмоилов, Т.И.Кенжаев, М.Я.Мухаммадиева, Ш.А.Мажидов, А.П.Аллабергенов ва М.Х.Сулайманов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, алоҳида соҳалар кесимида коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича М.Э.Абдуллаева, А.А.Атажанов, Т.У.Сафаров, А.Ю.Мавлонов, С.С.Маманов, З.Қ.Қўчқаров, Э.Т.Мусаев, Г.А.Расулова ва Ф.Ю.Ғайбуллаевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган[7].

МДҲ мамлакатларида сўнгги йилларда спортдаги коррупцияга оид долзарб муаммолари юзасидан тадқиқотлар амалга оширилган, жумладан А.В.Курсаев ва С.К.Сулейманов спорт мусобақалари натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатиш масалаларини чуқур ўрганишган бўлса, А.П.Алексеева, А.С.Иванов, И.В.Понкин, А.И.Понкина, В.В.Сараев, К.Ю.Рожнова, А.В.Иглин, Ю.Трубицына, П.В.Крашенинников, С.В.Алексеев[8] каби олимларнинг илмий ишларида тизимли тарзда ёритилган.

Шунингдек, бошқа хорижий илмий адабиётларда мавзуга доир масалалар бўйича W.Maennig, J.Holden, W.Sandholtz, R.Klitgaard, S.Gorse, S.Chadwick, L.Ionescu, A.Tomlinson ва D.Hill[9] каби олимлар томонидан спортдаги коррупциявий жиноятларнинг олдини олишнинг айрим масалалари тадқиқ қилинган.

Бироқ, бугунги кунда профессионал спорт соҳасида коррупциянинг ҳолати, хусусиятлари, кўлами, динамикаси ва тенденцияларини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини ўрганишга қаратилган социологик ва махсус илмий тадқиқотлар етарли даражада эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар” устувор йўналиши доирасида (2023-2026 й.й.) амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида профессионал спортдаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг илмий-назарий асосларини яратиш ҳамда унга доир ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-

[7] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган
[8] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган
[9] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

назарий хулосалар, шунингдек, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қуйидаги вазифалар тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб белгиланди:

спорт соҳасидаги коррупция кўринишларидан келиб чиқиб, унга доир тушунча ва ҳуқуқий тавсифини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш;

спорт соҳасида халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нисбатининг назарий-ҳуқуқий таҳлили асосида коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

профессионал спорт соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш;

профессионал спорт соҳасининг маъмурий бошқаруви жараёнларидаги ва молиявий-хўжалик фаолиятида аниқланган коррупциявий омилларни таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

профессионал спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишдаги коррупциявий омиллар таҳлили асосида қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ коррупциявий омилларни таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

профессионал спортда коррупцияга қарши курашиш бўйича минтақавий давлатлар амалиётининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида қонунчилик ва илғор тажрибалари асосида ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этишнинг энг мақбул жиҳатлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

профессионал спортда коррупциянинг янги омилларига қарши замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

профессионал спортнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини профессионал спортдаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети спорт соҳасига доир халқаро стандартлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари, ички идоравий буйруқлар, ҳуқуқий статистика, социологик тадқиқотлар натижалари, шунингдек, тергов ва суд амалиёти материалларидан иборатдир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, спорт соҳасидаги ходимлар ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш, суд-тергов ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини

пора эвазига оғдириб олганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш асослаб берилган;

профессионал спортда иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция)нинг шаффоф тизимини жорий этиш орқали инсон омилини қисқартириш ҳамда сунъий интеллект технологиялардан фойдаланиш имкониятлари асослантирилган;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини беришни рақамлаштириш орқали спорт ташкилотларида ишга қабул қилиш йўналишидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган;

профессионал спортда нуфузли мусобақалар ғолибларига имтиёзларни адолатли қўллаш ва коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида миллий терма жамоалар, мусобақалар, тренерлар ва ҳакамлар ҳақидаги маълумотларни спорт федерациялари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари асослаб берилган;

илк бор спорт соҳасида “спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш” тушунчасини миллий қонунчиликка киритиш орқали коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган комплекс превентив механизмларни шакллантириш бўйича ҳуқуқий асослари исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“спорт коррупцияси”, “спорт соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар” ва “спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш” тушунчаларининг илмий-назарий таърифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистондаги спорт соҳасидаги, шу жумладан профессионал спортдаги коррупциявий омилларнинг ва хавф-хатарларнинг турлари аниқланган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида узоқ муддатли коррупцияга қарши чораларини белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган;

профессионал спортда коррупцияга қарши профилактика, рақамли мониторинг ва молиявий шаффофликни кучайтириш бўйича “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунга қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

спорт мусобақалари натижасига қонунга хилоф таъсир кўрсатган спортчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ҳуқуқий асосини белгилаш бўйича Меҳнат кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси тайёрланган;

спорт соҳаси каби коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда коррупцияга қарши курашиш стандартларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

келишилган ўйинларга қарши курашиш борасида халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Европа Кенгашининг “Спорт мусобақаларини манипуляция қилиш

тўғрисида”ги Конвенцияси (Маглинген конвенцияси)га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

спорт ташкилотлари фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва спортчилар фаолиятидаги одоб-ахлоқ қоидаларини белгиловчи намунавий одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш илгари сурилиб, унинг концепцияси тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот спорт соҳасидаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, унда миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилганлиги, социологик тадқиқотларни, статистик маълумотларнинг таҳлил натижалари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқ этилаётган муаммолар бўйича жисмоний тарбия ва спорт соҳаси вакилларининг (5 482 нафар) фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилган социологик сўровномалар ўтказилган.

Диссертация хулосасида ўз аксини топган назарий хулосалар ва таклифлар натижаларнинг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтганлиги, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги ва олинган натижалар спорт соҳасидаги ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, мазкур иш спорт соҳасидаги коррупция муаммоларини илмий ўрганишга бағишланган миллий даражадаги илк монографик тадқиқот ҳисобланиб, унда шакллантирилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан спорт ва коррупцияга қарши курашишга оид ўқув модулларини ўқитишда, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ўтказишда, шунингдек, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш механизмларининг илғор халқаро стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Бунда тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соҳани тадқиқ этишга қаратилган илмий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 4 ноябрдаги “Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон

Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-988-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида 214^1 ва 214^2-моддаларини шакллантиришда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 28 ноябрдаги №3/08-238-сонли далолатномаси)*. Юқоридаги тушунчаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши жиноят қонунчилигида янги турдаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар таркиби ва жиноятнинг махсус субъекти ишлаб чиқилишига хизмат қилган;

профессионал спортда иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция)нинг шаффоф тизимини жорий этиш орқали инсон омилини қисқартириш ҳамда сунъий интеллект технологиялардан фойдаланиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги “Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-421-сонли қарорида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг 2025 йил 15 сентябрдаги 02-16/9838-сонли далолатномаси*). Ушбу тизимнинг 2025-2027 йилларда жорий қилиниши натижасида мазкур йўналишда инсон омили қисқариб, тегишли маълумотлар “ERP-sport” ягона электрон бошқарув тизими орқали амалга оширилиши ҳамда сунъий интеллект технологиялардан фойдаланган ҳолда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш имконияти яратилади;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини беришни рақамлаштириш орқали спорт ташкилотларида ишга қабул қилиш йўналишидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 августдаги “Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини бериш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 500-сон қарорида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибияти раҳбари ўринбосарининг 2025 йил 17 октябрдаги 09-09-37-сонли далолатномаси*). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг тренер-ўқитувчилари, йўриқчи-услубчилари ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифаларини бериш бўйича давлат хизматлари “ERP Sport” ягона электрон бошқарув тизими орқали проактив тарзда кўрсатила бошланиши, шунингдек, барча жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар ва спорт ҳакамлари ҳақидаги маълумотларни “ERP Sport” тизимига киритиб бориш амалиёти жорий этилишига хизмат қилган;

профессионал спортда нуфузли мусобақалар ғолибларига имтиёзларни адолатли қўллаш ва коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида миллий терма жамоалар, мусобақалар, тренерлар ва ҳакамлар ҳақидаги маълумотларни спорт федерациялари фаолияти очиқлигини таъминлашга оид

таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-450-сонли қарорида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлигининг 2025 йил 17 сентябрдаги 02-16/9953-сонли далолатномаси*). Мазкур маълумотларнинг очиқ эълон қилиниши уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларини адолатли қўллашни таъминлаб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга хизмат қилган;

илк бор спорт соҳасида “спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш” тушунчасини миллий қонунчиликка киритиш орқали коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган комплекс превентив механизмларни шакллантиришга оид таклифлари Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 24 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-1123-сонли Қонунини ишлаб чиқишда инобатга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитасининг 2026 йил 7 апрелдаги 04/9-08/4-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф қабул қилиниши натижасида спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олишга оид превентив чораларни амалга ошириш йўлга қўйилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та (3 та халқаро, 4 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами **16 та илмий иш**, жумладан, 1 монография, 15 та мақола ва тезислар (6 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 2 таси хорижий нашрларда, 7 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 9 параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш (диссертация ишининг аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертация ишининг **“Спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида ушбу соҳада илмий тадқиқотларнинг камлигини инобатга олиб ҳуқуқий таҳлил қилиш усулидан фойдаланган ҳолда “спорт коррупцияси” тушунчаси ва унинг ўзига хос намоён бўлувчи жиҳатларининг илмий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Хусусан, ушбу бобда коррупция жамият тараққиётига жиддий хавф туғдирадиган ижтимоий иллат бўлиб, у демократик ҳуқуқ устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Унинг салбий оқибатлари спорт соҳасида ҳам яққол намоён бўлиб, спорт бошқаруви самарадорлиги ва давлатдаги коррупция даражаси ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлиги тадқиқот орқали исботланган.

Тадқиқотда “спорт коррупцияси” тушунчасининг назарий асослари, унинг тарихи, шакллари ва Ўзбекистондаги амалий кўринишлари таҳлил қилинган. Тарихий таҳлиллар коррупция спортда янги ҳодиса эмаслигини, мисол учун, бу ҳақида илк ҳужжатлаштирилган ҳолатлар милоддан аввалги 388 йилда Фессалиялик боксчи Эвпол Олимпия ўйинларида рақибларига пора берганлиги ва милоддан аввалги 322 йилда жангчи Калип эса рақибларига жангда ютқазиб беришлари учун пул таклиф қилганлиги кўрсатиб ўтилган. Қадимги даврларда пора бериш ёки келишилган ўйинларда иштирок этган спортчилар оммавий жазоланган ва уларнинг исмлари жамоатчиликка ошкор қилинган. Кейинги даврларда Европа миқёсида спортдаги коррупция ҳолатлари ҳақидаги хабарлар Буюк Британияда XVIII асрда пайдо бўлган бўлса, 1919 йилда АҚШда “Black-Sox” можароси номи билан барчанинг эътиборини ўзига тортган.

Диссертацияда илмий доира вакиллари ўртасида “спорт коррупцияси” тушунчасини шакллантиришга қаратилган турлича ёндашувлар мавжудлиги таҳлил қилинган. Жумладан, айрим олимлар (А.В.Иглин, Ю.Трубицына, П.В.Крашенинников, С.В.Алексеев ва ҳ.к.) “спорт коррупцияси” мансабдор шахс ёки бошқа шахс томонидан давлат органларидаги мансабидан фойдаланиб, спорт мусобақалари натижаларига ёки спорт соҳасига оид бошқа турдаги фаолиятга таъсир кўрсатишда ифодаланишини билдирган бўлса, бошқа гуруҳ олимлари (V.Maenning, S.Gorse and S.Chadwick. ва ҳ.к.) спортчилар ёки спорт мусобақасининг бошқа иштирокчилари томонидан шахсий манфаати йўлида ноқонуний ахлоқсиз хатти-ҳаракатларида намоён бўлиши кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, диссертация муаллифи бу борадаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари, шунингдек, “мансабдор шахс” ва “спортчи, тренер, спорт ҳаками” тушунчаларидан келиб чиқиб, “спорт коррупцияси” тушунчасига ўз муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Илмий тадқиқотчилар томонидан таъкидланган спорт коррупцияси тушунчаси таърифларининг асослилиги ва бошқа бир қатор омиллар мавжудлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда “спорт коррупцияси” тушунчасини спортдаги коррупциянинг кўринишлари ва йўналишлари *(келишилган ўйинлар, ноқонуний пул тикиш, спорт иншоотларини қуриш,*

допинг, пул ювиш, ўйин трансляцияси, малака тоифа олиш, спорт клубига қабул қилиш ва ҳ.к) билан боғлаш таклиф этилган.

Шунингдек, ушбу бобда 2019–2025 йиллар ва жорий йил 6 ойида Ўзбекистон спорти соҳасидаги коррупциянинг беш асосий йўналиши мавжудлиги исботланган: бюджет маблағларини талон-торож қилиш; субсидия маблағларини ўзлаштириш; сохта малака тоифалари орқали маблағ ўзлаштириш; қурилиш ва реконструкция ишларидаги коррупция; профессионал спорт ўйинларида иштирокни таъминлаш билан боғлиқ порахўрлик ва фирибгарлик.

Диссертация муаллифи бундай нуқтаи-назарлардан келиб чиқиб, “спортчи, тренер, спорт ҳаками” ҳуқуқ назариясида алоҳида махсус субъект эканлигини кўрсатган ҳамда тадқиқоти давомида бу борада билдирган таклифи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ушбу тоифадаги шахслар учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган билан асослаган.

Мазкур соҳадаги асосий халқаро ҳуқуқий асослар қаторига БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC, 2003), Европа Кенгашининг Маколин конвенцияси (2014), Олимпия ҳаракатининг мусобақаларни манипуляция қилишнинг олдини олиш тўғрисидаги кодекси, шунингдек, Халқаро Олимпия қўмитаси, FIFA ва UEFAнинг ахлоқ ҳамда “integrity” қоидалари асосида спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш, аввало, соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи мустаҳкам норматив асосларни яратишга боғлиқлиги диссертацияда очиб берилган. Шу боис, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асослари халқаро ҳужжатлар, спорт ташкилотларининг қоидалари ҳамда миллий қонунчилик нормалари асосида шакллантирилди.

Бундан ташқари, мазкур бобда профессионал спортдаги коррупциявий хавф-хатарлар ва уларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи омиллар ҳақидаги тадқиқотчиларнинг назарий қарашлари таҳлил қилинган. Изланишлар давомида олимлар (М.Ю.Осипов, В.И.Попов, И.М.Клейменов, L.A.Kihl, J.Skinner, T.Engelberg, Л.В.Козлова, Қ.Р.Абдурасулова, А.П.Алексеева, М.П.Клейменов, R.Klitgaard, A.Spalding, F.Gassmann, M.Koch, E.Emrich, А.Н.Песковлар) томонидан соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келишига турли омиллар таъсир қилиши, шу жумладан, Ўзбекистон мисолидаги ўзига хос жиҳатлари келтириб ўтилган ҳамда бундай хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи омиллар ва сабаблар билан бир қаторда ушбу хавфларни юзага келишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар *(enablers)* ва уларнинг келиб чиқишига имкон берувчи ҳаракатларни *(drivers)* ҳам тадқиқ этиш ўринли, деган хулоса илгари сурилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Профессионал спортдаги коррупциявий омиллар таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон мисолида профессионал спортдаги маъмурий бошқарув, молия-хўжалик, спорт мусобақаларини ўтказиш, спортчиларнинг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ жараёнлардаги коррупциявий омиллар таҳлил қилинган.

Хусусан, муаллиф сўнгги етти йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи бошқаруви 6 марта ўзгарганлигини, спорт ташкилотлари фаолиятида эса самарали бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг умумий мезонларини белгиловчи ягона меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги соҳадаги маъмурий бошқарув жараёнларида коррупция ҳолатлари келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатган. Шу боис, соҳадаги маъмурий бошқарув жараёнларини тартибга солишга қаратилган аниқ ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифаларни белгилаш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш муҳимлиги таклиф этилган.

Профессионал спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни юқори молиявий манфаатдорлик, дискрецион қарорлар ва назорат механизмларининг етарли эмаслиги сабабли коррупциявий хавфларга мойил соҳалардан бири ҳисобланади. Айниқса, мусобақа мезбонлигини танлаш, тендер ва харид жараёнлари, ҳакамлар фаолиятига ноқонуний таъсир ўтказиш, “match-fixing” ҳолатлари ҳамда букмекерлик билан боғлиқ коррупциявий схемалар спортнинг ҳалоллик тамойилларига жиддий таҳдид эканлигини мазкур соҳада тадқиқот олиб борган олимлар (С.А.Грицаев, О.Ю.Трубицына, С.И.Изаак, Л.В.Аристова, Д.Пилипенко, Т.Шмидт, А.Н.Песков, К.Лясковска) қарашларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам келишилган ўйинлар, уларнинг натижаларини манипуляция қилиш ва спорт мусобақаларига қонунга хилоф таъсир кўрсатиш ҳолатлари аниқланган бўлса-да, узоқ вақт давомида бу каби ҳаракатлар асосан интизомий жазолар билан чекланиб келганлиги тадқиқот натижасида аниқланган.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун спорт соҳасида коррупцияга қарши аниқ ҳуқуқий механизмларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва спорт ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, манфаатлар тўқнашувини чеклаш ҳамда халқаро стандартлар асосида превентив чораларни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига спорт мусобақалари натижаларини қасддан ўзгартириш билан боғлиқ ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик киритиш асослаб берилган. Шу билан бирга, спорт федерацияларида “ҳалоллик” (integrity) ва “мувофиқлик” (compliance) механизмларини кучайтириш, таълим ва тарғибот ишларини кенгайтириш, илмий тадқиқотлар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш спортда коррупциянинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда мамлакатимизда спорт федерацияларига ажратилган (бюджет ва давлат корхоналари ҳомийлиги) маблағларнинг мақсадли сарфланишини тизимли назорат қилиш механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, бу борада барча федерациялар учун маблағларни сарфлаш бўйича ягона ҳужжат ишлаб чиқиш ҳамда ажратилган маблағлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка очиқлаш чораларини кўришни белгилаш илгари сурилган. Бунда таклифни ишлаб чиқишга, тадқиқот доирасида

ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, иштирокчиларнинг атиги 38,1 фоизи спорт соҳасидаги бошқарув билан боғлиқ жараёнларнинг шаффоф деб баҳолаганлиги асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот ишида спорт соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари сифатида ишга қабул қилиш, малака тоифаларини бериш ва давлат харидлари жараёнларида инсон омилининг юқорилиги, очиқлик ва шаффофликнинг етарли эмаслиги, ички комплаенс назоратининг самарали йўлга қўйилмаганлиги ҳамда қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни қайд этган. Шу билан бирга, Япония, Хитой, Латвия, Россия ва Украина тажрибаси асосида спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф таъсир кўрсатиш ҳолатларига қарши жиноий жавобгарлик ва превентив механизмларни жорий этиш зарурлиги асосланиб, тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, профессионал спортчиларнинг қисқа фаолият даври, юқори жароҳат хавфи, даромадлар барқарор эмаслиги ва спортдан кейинги ҳаётга тайёргарликнинг пастлиги уларнинг тез молиявий манфаат излашга мойиллигини кучайтириб, коррупциявий муносабатларга аралашиш хавфини оширувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар сифатида баҳоланган. Шу ўринда, тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 56,7 фоиз иштирокчилар спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш спорт соҳасидаги коррупциявий хавф сифатида кўрсатиб ўтилганлиги йўналишнинг хавф-хатар даражаси юқори эканлиги хулоса қилинган.

Статистик маълумотларга кўра, 2020-2025 йилларда 68 нафар спортчи махсус пенсия билан таъминлангани, бу кўрсаткич умумий профессионал спортчилар сонига нисбатан жуда камчиликни ташкил этиши, бу ҳолатлар тадқиқот ишида спортчиларнинг пенсия тизимида ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги, ташкилий механизмлар очиқ ва шаффоф йўлга қўйилмаганлиги асослаб берилган. Шунингдек, профессионал спортчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда уларни олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилиш билан боғлиқ аниқ мезонлар белгиланмаганлиги, жараёнларнинг очиқ эълон қилинмаслиги ва жамоатчилик назорати сустлиги каби омиллар коррупцияни юзага келишига мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур келтириб ўтилган соҳага оид муаммолар (коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар) диссертациянинг сўнгги бобида таклифларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Профессионал спортда коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида минтақа миқёсидаги давлатларда спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашишга оид илғор тажрибалари қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги тўртта асосий жиҳатлардан иборат эканлиги аниқланган: 1) давлат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий чоралар; 2) соҳада превентив чораларнинг амалга оширилиши; 3) спортдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослашган органларнинг ташкил этилиши ва самарали фаолият

юритиши; 4) миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари самарали йўлга қўйилганлиги.

Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олишда аноним хабар бериш платформалари, рақамли назорат тизимлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳим аҳамият касб этишини, Швеция ва Жанубий Корея тажрибасида "хабар берувчилар" (whistleblowing) платформалари ҳамда хабар берувчиларни рағбатлантириш механизмлари самарали йўлга қўйилгани қайд этилган, шунингдек, тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномага кўра, 41,6 фоизи аноним кафолатланган тақдирда коррупция ҳақида хабар беришга тайёр эканлигини инобатга олиб, ушбу соҳада хабар бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда P.Donelly ва T.Hill[10] каби олимларнинг фикрлари асосида рақамли технологиялар спортда шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайтириш ва коррупция хавфларини барвақт аниқлашнинг муҳим воситаси экани асослаб берилган. Шу билан бирга, "ERP Sport" каби рақамли платформаларни жорий этиш, блокчейн технологиялари, сунъий интеллект ва аноним хабар бериш тизимларидан фойдаланиш спорт соҳасида очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланган.

Бу борада АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Австралия, Япония, Кения каби минтақа мамлакатларидаги ўзи хос жиҳатлар ва илғор тажрибалар ёритилган. Жумладан, 1964 йилда АҚШда "Спорт мусобақаларида порахўрлик тўғрисида"ги Қонун (Sports Bribery Act) қабул қилиниши кейинчалик дунё бўйича кўплаб давлатлар учун шу каби қонунлар қабул қилинишига ўз таъсирини кўрсатган ва намуна бўлиб хизмат қилган.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар коррупцияга қарши курашишда мустақил назорат органлари, жамоатчилик назорати ва халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган. Хусусан, Буюк Британияда спорт соҳасида коррупцияга қарши кураш тизимли ва комплекс ёндашув, қатъий жавобгарлик механизмлари, одоб-ахлоқ кодекслари ҳамда спорт мактабларида коррупцияга қарши таълим дастурлари жорий этилганлиги билан ажралиб туради ва мазкур ёндашув БМТнинг 2023 йилги ҳисоботида энг самарали стратегиялардан бири сифатида эътироф этилган. Бразилияда спорт соҳасидаги коррупция ва низоларни кўриб чиқувчи махсус спорт судлари ташкил этилган бўлиб, ушбу тажриба кейинчалик Чили, Мексика, Аргентина ва Колумбияда ҳам жорий қилинган. Японияда эса спорт ташкилотларида ички комплаенс назорати, молиявий ҳисоботларнинг очиқлиги ва бюджет маблағлари устидан жамоатчилик назорати тизими йўлга қўйилган бўлиб, OECD томонидан ижобий тажриба сифатида баҳоланган.

Шунингдек, диссертант томонидан L.A.Kihl, J.Skinner, T.Engelberg каби олимларнинг фикрлари таҳлил қилиниб, профессионал спортда коррупцияга қарши курашишда мамлакатлар ва ташкилотлар қўллайдиган тушунчалар, моделлар ва назорат чоралари турлича бўлиб, ҳар бир ҳудуд сиёсий,

[10] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

иқтисодий ва ижтимоий муҳитини инобатга олган ҳолда энг мақбул ечимларни ишлаб чиқиши кераклиги ҳақидаги қараш илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, профессионал спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда натижадорликка эришиш учун энг аввало, сиёсий ирода ва ишонч муҳим бўлиб, шунингдек, мазкур жараёнда очиқлик ва ҳисобдорлик, қонун устуворлиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксак бўлиши ҳам зарурий воситалар ҳисобланиши бўйича хулосага келинган. Бунда, соҳада коррупцияга қарши курашиш ислоҳотларини қуйидаги асосий йўналишларда амалга ошириш таклиф этилган.

ХУЛОСА

“Профессионал спортдаги коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Коррупция тушунчаси кенглигини инобатга олган ҳолда, спорт соҳасидаги коррупциянинг белгиларидан, илмий-назарий ва гносеологик таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги тушунчаларга таърифлар ишлаб чиқилди:

*“**Спорт коррупцияси*** – мансабдор шахснинг ёки спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчилари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида ёки учинчи шахслар манфаатини кўзлаб спорт мусобақалари натижаларига ёки спорт соҳасига оид бошқа турдаги фаолиятга ноқонуний таъсир кўрсатиш орқали моддий ёки номоддий наф олиши, бундай нафни тақдим этиши, ваъда қилиши ёки таклиф қилишидан иборат қонунга хилоф ҳаракатлардир”;

*“**Спорт соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар*** – бу жисмоний тарбия ва спорт субъектлари фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар юзага келишига имкон яратадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлардир”.

2. Профессионал спорт соҳасида коррупция турли хил шаклларда намоён бўлсада, уни қуйидаги коррупциявий омиллар сабаб юзага келаётганлиги кўрсатиб ўтилди: 1) спортчиларнинг мусобақаларда иштирок этганлиги учун хизмат сафари харажатларини қоплаш ҳамда мусобақаларда юқори натижаларни кўрсатганлиги учун рағбатлантириш учун ажратилган субсидия маблағларини талон-торож қилиш; 2) спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчилари томонидан сохта ҳужжатлар асосида малака тоифаларини қўлга киритиш орқали маблағларни талон-торож қилиш; 3) спорт-соғломлаштириш объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун ажратилган маблағларни талон-торож қилиш; 4) спортчиларга малака тоифа бериш, спорт клубига қабул

қилиш, спорт мусобақаларида иштирок этиш харажатларини тўлаб бериш, келишилган ўйинларда иштирок этишда порахўрлик ва фирибгарлик.

3. Профессионал спортдаги коррупциявий хавф-хатарларни қуйидаги таснифлар бўйича турларга бўлиш мақсадга мувофиқ: 1. Келиб чиқиш манбалари бўйича: а) майдондаги, яъни спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар томонидан содир этиладиган коррупция; б) майдондан ташқаридаги, яъни спот соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва спорт ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан содир этиладиган коррупция. 2. Намоён бўлиш соҳаларига кўра: а) мусобақа жараёнидаги; б) молиявий-иқтисодий; в) бошқарув-ташкилий. 3. Хавф даражасига кўра: а) юқори (high risk); б) ўрта (medium risk); в) паст (low risk). 4. Тарқалиш кўлами бўйича: а) локал (маҳаллий); б) миллий; в) халқаро даражада. 5. Ҳуқуқий оқибатлари бўйича: а) жиноий; б) интизомий; в) фуқаролик.

4. Профессионал спорт соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини қуйидаги турларга ажратиш таклиф қилинади: а) халқаро; б) миллий; в) идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар.

5. Спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш соҳада Ўзбекистонга хос янги коррупциявий омиллардан бири сифатида асослантирилиб, унга қуйидаги муаллифлик таърифи берилди:

*“**Спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатиш*** – бу спортчи, тренер, спорт ҳаками ёки спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларининг спорт мусобақалари натижаларини ёки унинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши ёки шу мақсадда ушбу шахсларга моддий қимматликлар бериш ёхуд мулкий манфаатдор қилиш, шунингдек, руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда ноқонуний босим кўрсатишидир”.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар

6. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий стратегияси доирасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш чораларини белгилаш таклиф қилинди *(Фармон лойиҳаси диссертация иловасида келтирилган)*.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинди:

1) **23-модда** учинчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиши, коррупция хавф-хатарларини камида ҳар йили баҳолаши ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, ошкор этиш ва тартибга солиш тартибини белгилаши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида махфий ва аноним хабар бериш каналларини ташкил этиши ҳамда хабар берган шахсларни таъқиб қилишга йўл қўймаслиги;

ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органининг ахборот тизимига белгиланган шаклда ва муддатларда киритиб бориши ҳамда ушбу маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва долзарблигини таъминлаши;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, шахсга доир маълумотларга ишлов беришда эса шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини таъминлаши;

Давлат бюджетидан ёки давлат улуши мавжуд ташкилотлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган тақдирда, олинган маблағлар, уларнинг манбалари ва сарфланиши, ўтказилган харидлар ҳамда ташқи аудит натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ўз расмий веб-сайтида очиқ маълумот сифатида жойлаштириши шарт”;

2) **40-модда** учинчи қисми қуйидаги мазмундаги еттинчи-ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“спорт соҳасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширмаган спорт федерацияларини (уюшмаларини) давлат томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштиришни ушбу чора-тадбирлар амалга оширилмаганга қадар тўхтатиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи таълим муассасаларининг қўшимча таълим дастурларига спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш ва бундай ноқонуний таъсир учун жавобгарлик тўғрисидаги дарсларни киритиш;

спорт дисквалификациясини қўллаш;

спорт мусобақалари натижалари, мусобақанинг бориши, букмекерлик коэффициентлари ва бошқа хавф индикаторларини автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали мониторинг қилиш;

спорт мусобақалари ташкилотчилари, спорт федерациялари (уюшмалари), ваколатли давлат органи ҳамда букмекерлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширувчи шахслар ўртасида шубҳали операциялар ва коэффициентларнинг кескин ўзгариши тўғрисида электрон ахборот алмашинувини таъминлаш”.

3) **40-модда** қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

